
“НЕФТЧИ”НИНГ ШОНЛИ ДАВРИ ҚАЙТМОҚДА!

Уч йиллик танаффусдан сўнг Суперлигага қайтган "Нефтчи" жамоаси тажрибали ва маҳоратли футболчиларни таркибга қўшиш борасида катта ҳаракатларни давом эттирмоқда.

Бугунги қадар Қаршининг "Насаф" жамоасидан ярим ҳимоячи Дониёр Назруллаев, Термизнинг "Сурхон" жамоаси сардори Ҳусниддин Ғофуров, Қозоғистоннинг "Атырау" жамоасидан сербиялик тажрибали ҳимоячи Даниэль Стойкович, "Қизилқум"дан ҳимоячи Муҳсинжон Убайдуллаев, сўнгги беш йил мобайнида Наманганнинг "Навбахор" шарафини ҳимоя қилиб келган маҳоратли ярим ҳимоячи Мирзоҳид Ғофуров, ярим ҳимоячи Суннатулла Абдуллажанов, "Бунёдкор" шарафини ҳимоя қилган тажрибали футболчи Лутфулла Тўраев "Нефтчи" билан шартномаларга имзо чекишди.

"Нефтчи" жамоаси янги мавсумга тайёргарликни 3 босқичда амалга оширади.

6 январдан бошланадиган 1-босқичда Илҳом Мўминжонов шогирдлари Тошкентда йиғилиб, машғулотларга киришадилар. Бу жараён 17 январгача давом этиб, орада битта ўртоқлик учрашувини ўтказиш кўзда тутилган.

20 январдан 10 февралгача давом этадиган 2-босқични жамоамиз Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказишади. Бу босқичда тайёргарликнинг муҳим қисми сифатида 4 та назорат учрашувларини ўтказиш режалаштирилган.

Тошкент ва Туркияда машғулот ҳамда назорат ўйинларини ўтказадиган "Нефтчи" мавсумга тайёргарликнинг 3-босқичини Фарғонада давом эттиради.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2022-01-05 20:54:15